**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Комиссия раиси,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия**
**вазирлиги Юридик таълим**
**ва суд-экспертиза фаолиятини**
**мувофиқлаштириш бошқармаси**
**бошлиғи**

**____________Ш. Рабиев**

**2021 йил 20 май**

**Адлия вазирлиги юридик техникумлари педагог ва ўқув-ёрдамчи ходимларини аттестациядан ўтказишда бериладиган**
**ТАХМИНИЙ САВОЛЛАР РЎЙХАТИ**

## 1-бўлим. Умумий саволлар

1. Конституция тушунчасига таъриф беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ҳақида гапириб беринг.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари нималардан иборат?
4. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини тушунтириб беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизими қай тарзда ифодаланган?
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари қандай ҳолларда ўтказилади?
7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш асоси ва тартиби қандай?
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар хақида айтиб ўтинг.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатларини гапириб беринг.
10. Конституция ва қонунларнинг устунлиги деганда нимани тушунасиз? Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш масалалари ҳақида гапириб беринг.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қандай шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар мустаҳкамлаб қўйилган?
12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ташқи сиёсатнинг асосий принципларини таъкидлаб ўтинг.
13. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қандай сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар назарда тутилган?
14. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга нималар киради?

15. Конституцияга мувофиқ, қандай жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқиқланади?

16. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, фуқароларнинг асосий бурчлари ҳақида гапириб беринг.

17. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган оила масалаларига оид нормалар ҳақида гапириб беринг.

18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига нималар киради?

19. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ суд тизими ҳақида гапириб беринг.

20. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби қандай?

21. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик масалалари бўйича қандай қоидалар белгиланган?

22. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида коррупцияга қандай таъриф берилган?

23. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини айтиб ўтинг.

24. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни кимларга нисбатан татбиқ қилинади?

25. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида қандай асосий принциплар назарда тутилган?

26. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунига кўра, қайси давлат органлари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширади?

27. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонуни мазмун моҳияти ва унинг аввалги таҳриридан фарқли жиҳатларини тушунтириб беринг.

28. Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ва унинг вазифаларини тушунтириб беринг.

29. Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларини айтинг.

30. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатларини санаб беринг.

31. Глобаллашган замонда ахборотни излаб топиш шундай осонки, тингловчилар уларни Интернет орқали ўқитувчисиз ҳам олиши мумкин. Шунингдек, ўқитувчи томонидан ўтилаётган маъруза дарсларида бериладиган маълумотларнинг деярли барчаси Интернетда бор. Бундай шароитда маъруза ва семинар дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш қандай бўлиши керак ?

32. "Стартап" лойиҳалар деганда нима тушунилади ва уни танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби қандай ?

33. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони билан тасдиқланган “2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш Концепцияси”да юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасида қандай вазифалар назарда тутилган ?

36. Аралаш ўқитиш (Blended learning) сифатида “Flipped Class” технологиясининг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ?

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил октябрдаги 677-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг юридик техникумларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини тушунтириб беринг.

39. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилинишини қандай омиллар тақозо этди?

40. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига умумий тавсиф беринг.

41. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида назарда тутадиган масалаларни ёритиб беринг.

ion.gov.uz веб-сайтининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат ?

43. “Mening fikrim” махсус веб-портали қандай мақсадда ташкил этилган ва у орқали қайси давлат ташкилотларига мурожаат қилиш мумкин ?

44. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мазкур ўзгаришлар ҳақида нималарни биласиз ? Ушбу ислоҳотлар учун қандай тамойиллар асос қилиб олинди ?

45. “Электрон ҳукумат” ва “Электрон юридик техникум” тизимларини тушунтириб беринг.

46. Ўзбекистон Республикасида демократик жамиятни барпо этишда сиёсий партияларнинг роли ва вазифалари қандай ?

47. Фуқаролик жамиятида жамоатчилик назоратининг ўрни нималарда кўринади?

48. Парламент назоратини амалга оширишга тавсиф беринг.

49. Фаол тадбиркорлик тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин ?

50. Ижтимоий шериклик нима, унинг субъектлари кимлар, ижтимоий шерикликнинг қандай принциплари мавжуд ?

51. Давлат хусусий шериклик деганда нимани тушунасиз ?

52. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қайсилар ?

53. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органи хусусида нималарни биласиз ?

54. Маъмурий тартиб-таомил нима ? “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ва асосий вазифаларини айтинг.

55. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунга кўра, маъмурий ҳужжат деганда нима тушунилади ? Маъмурий ҳужжатнинг процессуал ҳужжатдан фарқи нимада ?

56. Маъмурий регламентда нималар назарда тутилиши мумкин ?

57. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига умумий тавсиф беринг.

58. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) атамасини тушунтиринг.

59. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси ҳақида нималарни биласиз ?

60. Ўзбекистон Республикасида Маъмурийислоҳотлар концепциясидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини ёритиб беринг.

61. Маъмурий ислоҳотлар концепциясида назарда тутилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши қандай натижаларга эришишга қаратилган ?

62. Давлат хизматлари нима ва ундан қачон, қай тартибда фойдаланиш мумкин ?

63. Давлат хизматлари агентлиги ва Давлат хизматлари марказлари ҳақида нималарни биласиз ?

64. Давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентлари деганда нимани тушунасиз ?

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини ёритиб беринг.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарини ташкил этиш мақсадларини ёритиб беринг.

67. Миллатлараро муносабатларни йўлга қўйишда Ўзбекистонда қандай ишлар амалга оширилмоқда ?

68. Дунё миқёсида кузатилаётган глобаллашув инсон ва жамият ҳаётига қандай салбий таъсирлар кўрсатади ?

69. “Демократия – универсал эмас, балки умуминсоний қадрият”, деган ғоянинг мазмунини изоҳланг.

70. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқда қандай муҳим масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси маълум қилинди ?

71. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида қандай ташаббуслар илгари сурилди ?

72. Ўзбекистон ташқи сиёсатни амалга оширишда қандай принципларга амал қилади ?

73. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида нималарни биласиз ?

74. Сўнгги йилларда "Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш" тамойили амалга татбиқ этилмоқда. Мазкур йўналиш ва унинг доирасида амалга оширилаётган янгиланишларни тушунтириб беринг.

75. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун қайси принципларга амал қилишлари зарур?

76. 1991 йилнинг 8 декабрида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкил этилган. Мазкур ташкилотнинг мақсади нималардан иборат ?

77. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доимий фаолият юритувчи минтақавий ҳукуматлараро халқаро ташкилот. Мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат ?

78. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг мақсадини ва қўлланилиш соҳасини ёритиб беринг.

79. "Тартибга солиш гильотинаси" деганда нима тушунилади ва уни изоҳлаб беринг ?

80. Конституция ва қонунларнинг устунлиги деганда нимани тушунасиз ?

81. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳақида гапириб беринг.

82. "Ijro.gov.uz" тизими қандай ахборот тизими ҳисобланади ва унинг асосий вазифаларини санаб ўтинг ?

## 2-бўлим. Таълим фаолиятига оид саволлар

83. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари ўқувчилари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни ўташ тартибини тушунтириб беринг.

84. Ўқув режа ва дастури нима ва улар ўқув жараёнини ташкил этиш учун қандай аҳамиятга эга ?

85. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари ўқувчиларининг билимини баҳолаш тартибини тушунтириб беринг.

86. Масофавий ўқитиш курсларида назорат ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини тушунтириб беринг.

87. Касбий йўналтирилган муаммоли ўқитиш технологиясини тушунтириб беринг.

88. Илмий стартаплар нега керак ?

дастурлари асосида таълим олишнинг мазмун вам моҳиятини тушунтириб беринг.

90. Андрагогикада таълим олувчининг шахсига йўналтирилган машғулотларни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.

91. Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этишнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

92. Юридик техникумларда ўқитиладиган фан ва мавзулар бўйича тайёрланган имтиҳон, синов ва тест саволлари ўқув жараёнига қандай жорий этилади ?

93. Юридик техникумлар ўқитувчилари (шу жумладан, соатбай асосида ишлаётганлар) томонидан ўтилган ўқув машғулотларининг ҳисоби қандай юритилади ва умумлаштирилади ?

94. Масофавий таълимни ташкил этишда педагог маслаҳатчининг вазифалари нималардан иборат ?

95. Юридик техникумларда масофавий таълим курсларини ташкил этиш учун зарур бўлган электрон контентларга нималар киради ?

*96.* Адлия органлари ва муассасаларига ходимларни ишга қабул қилиш тартибини тушунтириб беринг.

*97.* Европа кредит тизими (European Credit Transfer and Accumulation System) бўйича талабалар билимини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.

98. Интерфаол методлар ва уларнинг қўлланилишини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

99. Ўқитишнинг кредит тизими афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз ? (фикрингизни амалий мисоллар билан асосланг)

100. “Case-study” методи ва унинг дарс машғулотида қандай қўллашни тушунтириб беринг. (хорижий мамлакатлар ОТМлари билан таққослаган ҳолда)

101. Таълим жараёнида “ТАҚДИМОТ” стратегиясини қўллашнинг афзалликларини ёритиб беринг.

102. Семинар дарс машғулотида “SWOT-таҳлил” методидан фойдаланишнинг афзалликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

103. Талабаларни ўқитишда интерфаол метод ҳисобланган “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” график органайзерининг афзалликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

104. Талабаларни ўқитишда интерфаол метод ҳисобланган “АҚЛИЙ ҲУЖУМ” стратегиясининг афзалликлари ва камчиликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

105. Талабаларга юридик фанларни ўқитишда “Интервью” методининг ўзига хос хусусиятиларини тушунтириб беринг.

106. Талабаларни ўқитишда интерфаол метод ҳисобланган «БББ» график органайзерининг афзалликлари ва камчиликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

107. “Question-Answer Method of Teaching / Socratic Method of Teaching” ўқитиш методи афзалликлари ва ноафзалликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

108. Талабаларни ўқитишда интерфаол метод ҳисобланган “БАҲС-МУНОЗАРА” стратегиясининг афзалликлари ва камчиликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

109. Талабаларни ўқитишда интерфаол метод ҳисобланган “ВИДЕО-КЕЙС” стратегиясининг афзалликлари ва камчиликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

110. Талабаларни ўқитишда интерфаол метод ҳисобланган “МУАММО” стратегиясининг афзалликлари ва камчиликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

111. Талабаларни ўқитишда интерфаол метод ҳисобланган “БЕШ МИНУТЛИ ЭССЕ” стратегиясининг афзалликлари ва камчиликларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

112. “Блиц-сўров” методининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

113. Таълим бериш жараёнида қандай методлар энг самарали усуллар ҳисобланади? Қандай янги педогогик технологияларни биласиз ?

114. Кредит-модуль тизими деганда нимани тушунасиз ?

115. Мустақил таълим деганда нимани тушунасиз ? Мустақил таълим шароитида ўқитувчиларнинг ўрни қандай бўлиши керак ?

116. Амалиётга йўналган таълим деганда нимани тушунасиз ?

117. Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари нима ва уларни қабул қилиш тартибини тушунтириб беринг.

118. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таълим тизими ва таълим турлари ҳақида тушунча беринг.

119. Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (классификатори) деганда нимани тушунасиз? Унинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.

120. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири мазмун-моҳияти нимадан иборат ?

121. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 6 апрелдаги “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 189-сон қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

122. Инновацион фаолиятнинг асосий принципларини айтиб ўтинг ?

123. Илмий даражалар ва илмий унвонлар ҳақида маълумот беринг.

124. Фан, инновация ва таълим дастурлари бўйича экспертизани амалга ошириш қандай таъминланади ?

125. Юридик техникумларда Ўқув-методик бўлимининг асосий вазифалари нималардан иборат ?

126. Таълим жараёни сифатини назорат қилиш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади ?

127. Юридик техникумлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган энг сўнгги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот беринг.

128. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 573-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.